

# Халқ Сўзи



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI VA ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAJLISINING GAZETASI

21 июнь, жума, 1996 йил  
Сотуда эркин нархда. № 125 (1378)

## ИСЛОМ КАРИМОВ ИТАЛИЯГА ЖЎНАБ КЕТДИ

20 июнь кунги Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов Италия Республикасига жўнаб кетди.



Мазкур сафар чоғида мамлакатимиз раҳбари Флоренцияда Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг олий даражадаги учрашуви доираси-

да Ўзбекистон Республикаси билан Европа Иттифоқи ўртасида шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимни имзолаш маросимида қатнашди.  
— Мазкур битимнинг нафақат иқтисодий ва маънавий, балки сиёсий жиҳатдан ҳам улкан аҳамияти бор, — деди И. Каримов аэропортда журналистлар билан суҳбат чоғида. — Бу Ўзбекистонга Фарб мамлакат-

лари дарвозаси яна ҳам кенг очилишига имконият яратади. Бундан ташқари, ушбу ташриф Ўзбекистон-Италия муносабатларини янги bosқичга кўтаришга деб умид қиламиз.  
Илгари хабар қилинганидек, Президент Ислам Каримов Италия сафари ниятига етган, 23-28 июнь кунлари Америка Қўшма Штатларида ҳам бўлади. Ташриф чоғида мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон-Америка муносабатларини чуқурлаштириш ва кенгайтиришга кўмаклашувчи бир қанча муҳим учрашувлар ўтказилади.  
— Биз Америкада мамлакат раҳбарлари, вазирлар билан учрашиш бараварида,

АҚШнинг йирик компаниялари, ишбилармонлари билан ҳам мулоқотда бўламиз, — деди И. Каримов. — Бу Ўзбекистонга Америка сармоясини жалб этишимиз учун яхши имкон яратади. Мазкур ташриф Ўзбекистон жаҳон миқёсда ўзига хос ва ўзига мос ўринни эгаллаётганини кўрсатади.  
Тошкент аэропортида Президент Ислам Каримовни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Э. Халилов, Бош вазир У. Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Журбаков, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тулаганов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолди.

(ЎЗА).

## ОЛИЙ МАЖЛИС КЎМИТАСИДА

# КАМЧИЛИКЛАР ҲАМ РЎЙ-РОСТ ҚАЙД ЭТИЛДИ

Айни пайтда, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига сайловлар жойларда ушқоқлик билан давом этаётган. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари қўни бошқаруви тизими сифатида ижтимоий ҳаётимизга тобора чуқур сингиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг (1993 йил 2 сентябрь) «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонунни амалга қилиш ҳақидаги қарорига асосан тақдир жойларда ўзини-ўзи бошқариш органлари амал қилгани ҳақидаги рапортлар, уларнинг раис (оқсоқол) ҳамда маслаҳатчилари сайланган эди. Шунга асосан айни пайтда Қашқадарь вилоятида 316 та, Хоразм вилоятида 157 та, Тошкент шаҳрида 470 та фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолият кўрсатаётган. Қонун ижросини ўрганиш шунинг кўрсаткичи, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришга доир ҳуқуқларини рубга чиқаришда қўмаклашди, ўз ҳудудларида ижтимоий ва ҳўжалик вазифаларини бажариш, оммавий-маданий таъбирларнинг ўтказиш, жойларда Ўзбе-

Олий Мажлисининг Қонунчилик ва суд-ҳўқуқ масалалари кўмитасида бўлиб ўтган йилгиликда Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида» ги Қонун Қашқадарь, Хоразм вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида қандай бажарилаётганлиги ҳақидаги масала муҳокама қилинди.

кистон Республикасининг қонунлари, Президент фармонлари ҳамда ҳўкумат қарорларини амалга оширишда маҳаллий ҳўқуқбиларга катта ёрдам бermoқдалар. Илгари, айниқса, «дом» шароитида қўшни қўшинини танима, лоқайдлик ҳамда бепарволик авж олганди. Қўп қаватли уйларида маҳаллаларнинг ташкил этилиши бу ерда яшовчиларнинг ҳўжирга ижобий ҳўлатларини олиб кириш имконини берди. Масалан, Урганч шаҳридаги К. Отанбегов номида 15-фўқароларнинг йиғини ижтимоий инфраструктура объекти қўриш ҳамда таъмирлашга 10 миңгўсўдан кўп маблаг йиққан. Энг муҳими мазкур маҳаллада тарбиявий ва тўшинтириш ишлари яхши олиб борилаётгани сабабли жиноятчилик содир этиш ҳўллари деярли барҳам топган. Тош-

кент шаҳрининг Юнусобод туманидаги «Наврў» маҳалласида ўртоқлик суди, хотин-қизлар кўмитаси, ветеранлар кенгаши мўнтазам фаолият кўрсатмоқда. Маҳалла ҳўшида эса дўконлар, маъийи қизмат қороналари, хўсусий фирмалар ишлаб турибди. Мирзо Улўбек туманидаги «Мўстақиллик» маҳалласи ҳақида ҳам ана шундай гапларни айтиш мўمкин.  
Муҳокамада текшириш давоминда ютуқлар билан биргаликда «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида» ги Қонун талаблари жойларда хар дoм етарли даражада ижро қилинаётганлиги ҳам қайд этилди. Масалан, мазкур вилоятлардаги маҳалла ҳамда фўқаролар йиғинларининг оқсоқоллари қонунда белгиланган ваколатларидан тўлиқ фойдалана олмаётганлар.

Жойларда кичик қорхона, ус-таҳоналар, халқ ҳўнармандчилиги ишларини ташкил этиш, савдо қондиларига риоя этиш, бозорлар иши, фўқароларга маданий қизмат кўрсатиш услидан жамоатчилик назоратини ташкил қилишга етарли эътибор берилмапти. Аҳоли ўртасида қўнуларни тўшинтириш, маъруза ва сўхбатлар деярли ташкил қилинапти. Қонунларни яхши билмаслик ёки уларни нотўғри талқин қилиш оқибатида аҳолининг кам таъминланган қисминин ижтимоий ҳўмоқ қилишида бир мўнча камчиликларга йўл қўйилмоқда. Шунингдек, фўқароларнинг ҳўқуқ ва эркинликлари, мўлкни муҳофазга қилиш, ижтимоий адолат ва қўнуийликни таъминлаш, маъмурий ҳўқуқбузарлик тўғрисидаги ишларини ўз вақтида ва ҳалол кўриб чиқилишини таъминлашга етарли эътибор берилмапти.  
Муҳокама сўнггида Қонунчилик ва суд-ҳўқуқ масалалари кўмитаси Қашқадарь, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳрида мазкур Қонуннинг бажарилишини яхшилаш чора-тадбирлари юзасидан тегшиш қарор қабул қилди.  
Еснат ХУДОБЕРОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

## ШУ СОНГА ХАБАР

Андижон вилояти пиллақорлар қабул пунктларига ўч миңг тўқсон тўрт тонна қимматбаҳо саноат хомашбеси етказиб берилди. Хар қўти қўрт уруғидан ўртача 58 килограмдан ҳўсил олгинди. Улуғнор, Асака, Пахтабод, Баллик туманлари пиллақорлари муваффақиятга сармоқли улўш қўшди. Пилла топшириш давом етмоқда.  
(ЎЗА).

## ФАКТ ВА ШАРХ

### ОВУЛЛАР ТУБДАН ЎЗГАРАДИ

Вазирлар Маҳкамасининг «2000 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастури тўғрисида» ги қарорини Қорақалпоғистон меҳнат аҳли қонили билан қўтиб олди.

Зотан, мамлакатимиз раҳбарининг хар бир Фармони, ҳўкуматимиз қарорлари замирида оддий меҳнаткорлар турмушини янада яхшилаш мақсади ётади. Биргина мисол: қишлоқ аҳолинини тоза ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлашни яхшилаш тўғрисидаги Президент Фармонида кейин ўтган қисқа вақт мўбайинда Қорақалпоғистонда бу борада бутун собиқ иттифоқ давридаги қараганда икки баравар кўп иш амалга оширилди.  
— Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарори ҳам, шўбасиз, аҳоли турмуш шароитини тўбдан яхшилашга қизмат қилди, — деди Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ўринбосари, «Истибобат» кўмитаси раиси Давлатбой Қўшқоров. — Уни ички амалга ошириш юзасидан мукамил дастур ишлаб чиқди. Унда Орол бўйидаги овўларнинг иқтисодий ва меҳнат имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш, оғир экологик шароитда истиқомат қилувган аҳоли маданий-маъийи турмуш шароитини яхшилаш чора-тадбирлари қўзда тутилган. Муҳими, овўл инфраструктурасини ривожлантириш учун зарур маблаг манбалари мўмкин даражада яхшиланади.

Беш йил мўбайинда овўларда соғлиқни сақлаш тизими тақомиллаштирилди, фелдшер-акушерлик пунктлари, биринчи тиббий ёрдам шохобчалари, янги шифоналар қўрилди. Қарийб бир ярим миллион квадрат метр уй-ҳўй фойдаланишга топширилди.  
Дастурда халқ таълим тизимини ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилган. Чўқи ватанимиз буюк келажакни саводхон, эўқоқ ишлар яратади. Улар учун салкам 20 миңг ўрнли мактаблар бунёд этилади.  
Овўларни тоза ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлаш янада яхшиланади. Жўмладан, икки миңг километрдан кўпроқ водопровод тarmoқи қўрилади, салкам миңг километрни табиий газ қўрулари ётказилади. Савдо, умумий оқватлашни ва маъийи қизмат кўрсатиш қороналари очилди, янги телефон станциялари ишга тушди.  
Уўлас, кўчм беш йилда овўларимиз иқтисодий инфраструктурасини ривожлантириш, ўларнинг қиёфеси тўбдан ўзгаради, аҳолининг турмуш шароити сезиларли даражада яхшиланади.

## УЗИНГО МАРКАЗИ

ДУНЁ: ЭНГ СЎНГИ ВОҚЕАЛАР

## ПРЕЗИДЕНТ БИРЛИККА ЧАҚИРДИ

Биринчи жаҳон уруши йилларида Франциянинг Верден шаҳри ёнида энг шиддатли ва қонли жанлар бўлиб ўтган эди. Ушбу воқеанинг 80 йиллигини нишонлашга ўч миңгта яқин немис ва францўз ишлари йиғилишди. Ушбу воқеа муносабати билан Франция Президентини Жак Ширак «Биз эндиликда кўчларимизни тинчликни сақлаб қўлиш учун бирлаштиришимиз зарур, дўстлик урушдан қўра қимматлидир» деди. Верден ёнидаги жанг 1916 йил 21 февраль кўни бошланди, 800 кўн давом этган эди. Ушбу жанг 300 миңг киши ҳалок бўлган.

## БМТ ИНСПЕКТОРЛАРИ ИРОҚНИ ТАРК ЭТИШАДИ

БМТ харбий инспекторлари Ироқ харбий базасидаги беш кўнлик назоратдан сўнғ ушбу мамлакатни яқинба кўни тарк этишди. Инспекторлар матълумотларга қараганда оммавий қирғин қўроли сақланаётган омборни қўриқлашган. Бу БМТ инспекторлари диққат марказида бўлган бешта харбий базадан биридир. БМТ Ироқнинг узоқда учувчи ракеталари ва ядро ҳамда биологик қўроллар ишлаб чиқариш дастурлари устидан назорат урнатилган.


## ТАДБИРКОР АЁЛЛАР АНЖУМАНИ

Урганчда «Аёл ва бизнес» мавзўида миқтақавий семинар ўтказилди.

Икки кўн давом этган бу анжуманда мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар ва тадбиркорликни янада ривожлантиришда хотин-қизларнинг ўрни ва вазифалари ҳақидаги масалалар муҳокама этилди. Бош вазир ўринбосари, республика хотин-қизлар кўмитаси раиси Д. Фермонова шу ҳақда маъруза қилди. Семинарда Қорақалпоғистон ва хоразмлик тадбиркор аёллар иш таърибаси билан ўртоқлашди.

## ЯНГИЛИКЛАР

«Халқ сўзи» ва «ЎЗА» мухбирлари хабар қиладилар



Қўчкер Бозоров узоқ йиллардан бўён Сирдарё туманидаги механизатор бўлиб ишлайди. У айни пайтда пاختа далаларига ишлаш беришда шарчамапти.  
Н. АЛМУРОДОВ олган сурат.

## ТОШ-ТАРОЗИ ҲАМ СОЗЛАНДИ

«Андижондoм маҳсулот» вилоят давлат акционерлик бирлашмасининг бўлимлари янги ғалла ҳўсилни қабул қилиб олишга пухта тайёргарлик кўрди.

Бирлашманинг бешта қорхонаси ва тўққизта қабул пунктда тайёргарлик ишлари ўтган йилнинг кўзидаёқ бошланган эди. Донни қайта ишлаш тугаллангандан сўнғ бу ерда омборларни тартибга келтириш, техника ва анжомларни таъмирлашга астойдил киришилди. Қўрунтена ва Асака қабул пунктларида бир неча миңг тонна дoн сақланадиган қўшмача шийтонлар қўриди. Жалолқўдук қабул пунктда маҳсулотни ташиниш енгиллаштириш учун механизациялашган линия урнатилади. Бирлашмага Россиядан ўнта дoн юклагич келтирилди. Ҳамма жойда тош-тарoзи созилаб қўйилди, лабораториялар яхшироқ жиҳозланди.

## БУЛОҚ КЎЗ ОЧДИ

«Ўзбекистон — Ватанимиз» кўшиқлар қўрғин-танловининг биринчи бoсқичи Наманган вилоятида ҳам қўруларини рўзда ўтди. Унда нафақат вилоятдаги 18 та шаҳар ва туман, балки ўлоқ маҳаллалар, меҳнат ҳамояларининг бадий ҳаваскорлик тўғараклари ҳам иштирок этишди.  
— Фoлибларни янгилаш мўраққаб кенди, — деди қўрғин-танлов ҳайати раиси, Ўзбекистон халқ артисти Қамолдин Раҳимов. — Негаки, бўлқўн кўзи очилгандай қўрғин-танлов ўнлаб талант созибарини юзага чиқарди. Халқимиз орасида кўлаб таланлар борлиги маълум бўлди. Шундай бўлса-да, улар орасидан энг манзуруларини танаб олишга ҳарақат қилдик. Энди улар республика қўрғин-танловида иштирок этишди.  
Ҳажматан ҳам қўрғин-танлов қўлаб ёш қўшиқчиларни, бастакорларни, ижодкорларни кўшф этди.

## УЧУНГУ СОҒУҚ



Мен «Халқ сўзи» газетасига 1991 йил январдан бошлаб обуна бўлиб келаямман. Аммо сўнги пайтларда уш почтачилар уйимга ҳафтада бир марта келтириб берадиган бўлишди. Ҳафта 1-2 та сонни ўз-ўзиндан йўқ олиб қолган пайтлар ҳам учрамоқда.  
Ахир «Халқ сўзи» ҳафтасига беш марта чоп этилади-ку? Биз эса ингилликлар эскиргандан кейин хабардор бўлаёلمиз...

Матўқўб ХЎЖИЕВ,  
Урганч тумани  
Пахтакор жамоа ҳўжалиги, 4-бўлим.

## 2 УЗБЕКИСТОН АЖОБ ХАМКОРЛИК МУСТАҚАМЛАНМОҚДА

## 3 СУД ВА СУДЬЯ...

## 4 СЎЗ ҚУДРАТИ БЕАДАДИР...

## ИККИТА «ШКОДА» ТУХҒА ҚИЛИНДИ

Самарқанддаги «Автомобилмарказ» қўшма қорхонасига асос солган «Армаз ГМБХХ», «Суло ГМБХ» ва «Барьер трейд Ат» фирмаларини бошқаритган зокирийлар гуруҳи шаҳар соғлиқни сақлаш ва ички ишлар бўлимига иккита маҳсус жиҳозланган «Шкода» автомашинаси тухфа этди. Австрияда яшаётган доктор Абдурахмон Зокирий шу йил кўзда буюқ сохибқирон Амир Темураваллудининг 660 йиллиги тантаналарида иштирок этиш ниётида, Зокирийлар гуруҳи саноат ва қўрилиш соҳаларида бизнес билан шуғулланади. Унинг ердимида Самарқандда «Фольксваген» автосалони бунёд этилди, «Бизнесмарказ» қад кўтармоқда.

## Жиззах вилоятида экологик ҳўлатини яхшилаш, шаҳар ва қишлоқларда санитария ҳамда ободлантириш умумхалқ ҳашари ўтказилди. Унда 160 миңдан кўпроқ киши қатнашди. Вилоят ҳудудида коммунал фойдаланиш бирлашмаси жамоаси шу кўни ишлаб топилган наблигини танаблани қисминин «Эксан» жамғирмаси ҳисобига ўтказди.

«Ўзбекистон — Ватанимиз» кўшиқлар қўрғин-танловининг биринчи бoсқичи Наманган вилоятида ҳам қўруларини рўзда ўтди. Унда нафақат вилоятдаги 18 та шаҳар ва туман, балки ўлоқ маҳаллалар, меҳнат ҳамояларининг бадий ҳаваскорлик тўғараклари ҳам иштирок этишди.  
— Фoлибларни янгилаш мўраққаб кенди, — деди қўрғин-танлов ҳайати раиси, Ўзбекистон халқ артисти Қамолдин Раҳимов. — Негаки, бўлқўн кўзи очилгандай қўрғин-танлов ўнлаб талант созибарини юзага чиқарди. Халқимиз орасида кўлаб таланлар борлиги маълум бўлди. Шундай бўлса-да, улар орасидан энг манзуруларини танаб олишга ҳарақат қилдик. Энди улар республика қўрғин-танловида иштирок этишди.  
Ҳажматан ҳам қўрғин-танлов қўлаб ёш қўшиқчиларни, бастакорларни, ижодкорларни кўшф этди.

## САЙЛОВЧИЛАР ОВОЗИ УЧУН ҚУРАШ

АҚШ Президентини Клинтоннинг сайлов кампанисини ташкилотчилари сайловчи аёлларга эътиборини қўчатиarmoқдалар. Уларнинг фикрича булжак сайловларда аёллар муҳим ўрин тутуди. Жамоатчилик фикри сўрови натижасида Клинтоннинг рейтингги эркакларга қараганда аёллар ўртасида икки барoбар юқори экан.

## ЎЙИНДАН КЕЙИНГИ ФOЖИА

Замбия пойтахти Лўсака шаҳри стадионида Замбия ва Судан миллий терма жамоалари ўртасидаги футбол ўйини тугагандан сўнғ мезбонлар галбасидан мағрурланган томошбинлар майдонга ёпирилишди. Натижада 15 нафар ишқибоз оёқлар остида эзилди, ҳалок бўлди, 52 нафари эса жароҳат олди.





КҲЛ ЧЎЗСА, ЮЛДУЗЛАР ҚУНСИН КАФТИГА

Тўхат ўрида

МЕН ОРЗУ ҚИЛГАН БОЛА

Мен шундай болани кўрмоқ истайман, Муқодалари бўртган, билаклари бутун. От чопса ларзага келса даралар, Угламга ҳам шуни истайман. У шундай бир бола бўлсинки, Томирида қайнаб турсин ажждолар қони. Ўзбекистон бўлсин унинг жонинг-жаҳонинг. Яна кўрмас бўлсини, Ени қўлатмас бўлсини, Уз қўли бўлсини кўрмоқ истайман. Қўли қўса, юлдустлар қўсини қафтига. Кафтига ой қўсини, Офтоб қўсини. Еруғлик таратсин юрак тафтидан, У бошдан қаландан боғу-роғ усини, Тоғларни кўтарсин елкаларида. Бошасини дўстларин еруғлик томон, У қўнқ қўллача қўнқларида. Анграсини эл омон, эл омон, омон. Бағри бутун бўлсин, меҳра уммон, Сўсини, авайласин тенгқуларини,



Ертисин, кўйдирсин кўнжа дунёнинг Гийбат, кўйдирсин кўнжа дунёнинг. Мен шундай болани кўрмоқ истайман, Кимнинг ўғли бўлса, айтгани битсин, Мен билган, билмаган дунёни кўрзум — Дея Амир Темури ўғлиниб кетсин.

ВАТАН

Ватан — ҳали туғилмаган эварам мулки, Бобом ёди, Бобомлар ёди. Ватан — бу менинг қимлигим, Бу — менинг ҳуқуқим, Ватан — Улугбекнинг сўнги фарёди.

Бу сўзни такрорлаб нелар ўтдилар, Ким тўйга, Шодликка, Азага келди. Гоҳ бобом излари бир-бир йитдилар, Момомнинг юраги ларзага келди. Қарс этиб ушанда синди бешик ҳам. Тинди Алласини йўқотиб қўйди, Тинди Бахшилар бошлаган қўшиқ ҳам. Олчаклар Бу ҳоли тақдирга айўди. Тақдир тақдир эмас, Фақирлик эмас, Тулпорлар туғилар ахир юз йилда. Алломши борлигин бахшилар айўмас, Қўймас, Гурўғиллар яшаб кўнчилида. Бомоннинг изларин кўм босмади, йўқ. Тиргакда асради эшикларини. Нелар ташлаб кетди кўрғинда чўғ Даласи, Боласи, бешикларини. Жони ширилларни кўрди бу тулроқ. Бомоннинг яшарлар қўнгаларини. Ичорлар кетдилар ватандан йироқ, Ташлаб улук қалб, Тилда яшамоқ.

Момом тандирга қалар экан ўт, Нон ёпишга шайлаб билакларини, Тоғам дала кезар, Юрт бўлсин деб бут, Санаб тугаётган кўсакларини. Болалар чуғулаб, Ўлини чағитиб, Йўқоққа тулар. Қандайдир энага дуолар битиб, Чағалоқ бошича нон, ничоқ кўяр. Ватан — ҳали туғилмаган эварам мулки, Ватан — бу менинг қимлигим, Бу — менинг ҳуқуқим.

ҚАРИЛИК

Меҳнат бизни қаритди дейми, Бошимиз қолса оқоч тоғлар. Шунда ҳам болаликнинг габини елмас, Ўзига қулаб боқар ўсман болалар. Отамиз шундай деб дунёдан ўтди, Бўғимизда қолди очик нолалар. Меҳнат қаримади, қўлимиз тутди. Енгимиздан ўсиб чиқди болалар. Қарлик ҳақида сўз кетса асар, Қўлимиздан оқса бевақт жолалар. Шунда ҳам айтмаймиз дилода бир қадар, Бизларни қаритди фақат болалар.

Сафар БАРОЕВ.

СЎЗ ҚУДРАТИ БЕАДАДДИР...

Поезд қора тун бағрини ёриб тинимсиз тарақа-туруқлайди. Ҳамқупем—кексароқ бир кини қўлидаги таҳлаи газеталарга кўз югуртириб чиққач, секим ёнбошлади. Гагзур-гулгир бошланди. Сўхбат бунчалик кўр олиб кетишни икковимиз ҳам кутмаганимиз.

Биз ҳаёт деб аталмиш улкан уммоннинг тўлқинларидо, довуллари ҳақида тортишмадик, баҳслашмадик, олдийгина суҳбатлашдик, холос. Гап айланб-айланиб, мавзу ўзгариб-ўзгариб турди. Бобо айтдиларки: — Болам, биласанми, қарамонлик нима?



Мен ҳам билганларимни тўкиб ташладим: филойилик ледим, жасорат дедим, ватанпарварлик, инсонпарварлик... ва ҳоказо, ва ҳоказо.

— Эҳтимол, сенинг айтганларинг ҳам тўғридир, — беозоргина гап бошлади ҳамроҳим. — Аммо менинг билишимча, қаҳрамонлик — бурч, олдий инсонийлик бурчи. Бу сўзни зеб-зийнатлашга, жимжимадор оҳанглар билан ураб-чирмаб ташлашга одалганиб қолганимиз фақат. Сен газетда ишлаяптсан, чўпон — яйловда, деҳқон — далада, ишчи — дачкоғ қошида. Ҳўш, бу бурчмоқ? Бу вазифа, холос. Дейлик, кетаётиб йўлда ўзингдан улугроқ нотаниш кимсага рўпара келиб қолдинг. Инламай ўтиб кетдинг. Демак, сен бу ерда ўз бурчингни унутдинг — саломлашмадинг. Еҳуд ўз бурчингни бажардинг — саломлашдинг...

— Гапларимдан зерикмадингми, — дейди отахон. «Йўқ, зерикаётганим йўқ, дейман ўзимга ўзим, аксинча, ҳайратланаяман. Бу чол ким бўлидиркин? Бунча суҳбати ширин, бунча сўзлари маъноли. Биз минг қарра ишлатган сўзлар унинг лугфи гуҳарида жонлангандай, ўзгача қиёфа касб этгандай бўлаверди. Босиқ, Вазмин. Шунча ёшга киргани билан вужудидан гайрат тошиб келаётир». Шу пайтда мен ҳам тенг-қурларим — ёшлар сингарини шошма-шошарлик билан донишмандлик қилгим келиб қолди. — Биласизми отахон, француз адибаси Дельфинаге Жирарден нима деган? «Сўзнинг кучи беҳаддир. Чекинаётган кўшинини тўхтатиш, мағлубиятни зафарга айлантириш ва мамлакатни кутқариб қолиш учун гоҳо ўринли айтилган биргина сўз ҳам қиёф бўлган». Гарчанд ҳозир сизнинг сўзларингиз поездин тўхтатиб қолмаса-да, менинг шууримдаги баъзи бир фикрларни айқаш-уйқаш қилиб юборди. — Ҳа, шоноранг бамаъни гапирибди. Чиндан ҳам сўзингиз қудрати беадалдир. Дунёни остин-устун қилиб юборадиган ҳам — сўз. Мен умрим бўйи матбуотнинг хизматидаман. Қатор китобларим, катта-кичик мақолаларим чоп этилган. Юзлаб шогирдлар етиштирдим. Уларга ҳамшиша тақрорлайман: сўз бу шифобахш дори бўлиши билан бирга, дами ўткир ханжар ҳамдир. Уни ишлатишда эҳтиёт бўлинглар! Поезд туннинг чок-чокни ёриб тинимсиз тарақлайди. Мен эса отахонга баттар қизиқа бошладим. Ким бўлидир бу донишманд чол?

Қаерга бораёпти? Исми шарифини сўрасам одобсизлик бўлмасмикин? Қизиқиб кучи барибир устунлик қилди. Гапни узоқдан бошладим. — Отахон, маъзур тугасиз, неча ёшга кирдингиз. — 75 ёшга, болам. — Қаерликсиз? — Тошкентлик. Асли Қиррай туманининг Дўрмон қишлоғида туғилганман. — Фарзандларингиз борми? — Худога шукур, олти фарзандим, бир этак навар-эварларим бор. — Исми-шарифингиз? — Зийд Есенбоев. — Э, сиз ўшамми... Шундай дедиму донг қотиб қолдим. Қаршимда Ўзбекистон матбуотининг жонқуяр филойиси турар эди. Мен у ҳақда кўп эшитган ва ўқиганман, ammo ўзини бирор марта учратмаган эдим. Шунда эшитган ва ўқиганларим кўз ўнгимдан бор-бир ўта бошлади. Уруш қатнашчиси, қатор-қатор орден ва медаллар соҳиби, «Ленин йўли», «Тошкент ҳақиқати», «Қизил Ўзбекистон» газеталарининг собиқ муҳбири, муҳаррири, республика Давлат матбуот қўмитасининг, Ўзбекистон Журналистлар уюмсининг собиқ раиси... Ва ниҳоят, Ўзбекистон Республикаси Матбуотни қўллаб-қувватловчи жамғарма бошқаруви раиси.

Зийд ака менинг жимиб қолганлигимни зерикашга йўйдими, деди: — Э, ўғлим, умр ҳам поезига ўқшайди. Бу бекатида мен тушиб қоламан, у бекатида сен... Мен яна индамадим. Чунки хаёлларим мени узоқ-узоқларга олиб қочган, тезроқ поезидан тушиб, жураларимга бу учрашув ҳақида мароқланиб айтиб бергим келарди.

Поезд осейишталикни бузиб ҳамон кетиб борарди. Фақат унинг тарақа-туруқи бироз кучайтанди.

жўшқин.

Футбол

ФУТБОЛЧИЛАРИМИЗ ОСИЁ КУБОГИ ФИНАЛ БОСҚИЧИГА ЙўЛЛАНМА ОЛИШДИ

Бундан бир ой муқаддам миллий терма жамоамиз Осие кубоги саралаш учрашувларида тожикистонлик футболчиларга 4:0 ҳисобида ютқазиб қўйганди.

Декабрь ойида Бирлашган Араб Амирликлари (БАА) мамлакатига ўтказилган финал ўйинларида йўлланма олиш учун терма жамоамиз тақрорий учрашувда фақат 5:0 ва ундан юқори ҳисобда ютиши керак эди. Меҳмонлар ўз сафига Австрия, Туркия, Россия каби хоржики мамлакатларда тўп суратган 17 нафар футболчиларини жалб этганлигини эшитиб, тўғриси, терма жамоамизнинг зафар қозонишига ишониб қийин эди. Шундай бўлса-да, қандайдир умид жуда кўплаб мухлисларни чоршанба кунги МХСК стадионига етаклаб келди ва у томошабинлар билан лик тўлди. Майдонда эса мўжиза рўй берди. Дастлабки дақиқалардан оқ вақтларимиз ҳужумга зўр берилди ва натижада 7-дақиқада Сергей Лебедевни меҳмонлар ўз жарима майдонига қондан бузиб тўхтатиб қўлишди. Миржалол Қосимов эса им-



кониятин бой бермай ҳисобни очди. Айнан у ордан 5 дақиқа ўтмай чап қанотдан Сергей Андреевага тўпни чиройли ошириб берди ва ҳисоб ўзгарди — 2:0.

Иккинчи бўлимда ҳам — Атоян, Қосимов, Шквирин етакчилигида терма жамоамиз ҳужумкор ўйин кўрсатиб, рақиблар дарвозасига иккити гол (Қосимов — 55, Шквирин — 71) киритишди ва икки учрашув бўйича ҳисоб тенглашди. Қўшимча вақт эса бор-йўғи саккиз дақиқа давом этди. Улугбек Рўзимов — Зафар Мусабоев комбинацияси гол билан якунилади — 5:0. Шундай қилиб, вакилларимиз БАА, Япония, Индонезия, Хитой, Саудия Арабистони терма жамоаларидан сўнг Осие кубоғининг финал босқичида қатнашадиган олтинчи команда бўлиди. Финал ўйинларида 12 жамоа қатнашадиган у 3-15 декабрь кунлари БААда ўтказилади.

Расул ЖУМАЕВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

ДИҚҚАТ, «КИМОШДИ» САВДОСИ!

ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОҢ ЖАНОБЛАР ДИҚҚАТИГА! Республика кўчмас мулк биржаси сиз, барча тадбиркор ва йирик сармоядорларга шуни маълум қиладики, 1996 йил 5 июль кунини Ўзбекистон «Биржалар маркази» биносида навбатдаги «КИМОШДИ» савдосини ўтказида.

Шу кунини республикамизнинг турли вилоятларида жойлашган энг харидорғир ва сардаромад кўчмас мулк иншоотлари туркумидан АВТОМОБИЛЛАРГА ЁНИЛГИ ҚУЙИШ ШАҲОБЧАЛАРИ САВДОГА ҚУЙИЛАДИ.

1. Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳридаги 23-сонли АЕКШ. Ер майдони билан сотилади, сатҳи 2000 м2. Бошланғич баҳоси — 1 млн. сўм. 2. Қорақалпоғистон Республикаси Тўртқул шаҳридаги 73-сонли АЕКШ. Ер майдони узоқ муддатга ижарага берилади. Бошланғич баҳоси — 700,0 минг сўм. 3. Навоий вилояти Копимех тумани, Х. Олимжон ж/х даги 4-сонли АЕКШ. Ер майдони узоқ муддатга ижарага берилади. Бошланғич баҳоси — 500,0 минг сўм. 4. Бухоро вилояти Бухоро шаҳридаги 14-сонли АЕКШ. Ер майдони узоқ муддатга ижарага берилади. Бошланғич баҳоси — 210,0 минг сўм. 5. Фарғона вилояти Фарғона шаҳридаги 5-сонли АЕКШ. Ер майдони узоқ муддатга ижарага берилади. Бошланғич баҳоси — 800,0 минг сўм. 6. Фарғона вилояти Қўқон шаҳридаги 2-сонли АЕКШ. Ер майдони узоқ муддатга ижарага берилади. Бошланғич баҳоси — 500,0 минг сўм. 7. Андижон вилояти Хопобод шаҳридаги 13-сонли АЕКШ. Ер майдони узоқ муддатга ижарага берилади. Бошланғич баҳоси — 930,0 минг сўм. 8. Самарқанд вилояти, Самарқанд туманидаги 36-сонли АЕКШ. Ер майдони узоқ муддатга ижарага берилади. Бошланғич баҳоси — 260,0 минг сўм. 9. Самарқанд вилояти Оқдарё туманидаги 38-сонли АЕКШ. Ер майдони билан сотилади, сатҳи — 0,78 га Бошланғич баҳоси — 2 млн. 170 минг сўм. «Кимошди» савдоси Ўзбекистон Биржалар маркази биносида 1996 йил 5 июлда соат 10.00 да бошланади. «КИМОШДИ» САВДОСИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ! Кўчмас мулк — ўлмас сармоядир! Аукционда иштирок этиш ва барча зарур маълумотлар юзасидан Республика кўчмас мулк биржасига ва унинг вилоят бўлиmlарига мурожаат қилишингиз мумкин. Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Пярвда Востока кўчаси, 10-уй. Ўзбекистон «Биржалар маркази», Республика кўчмас мулк биржаси, 3 қават, 13 ҳона. Телефонлар: 36-15-28, 36-15-29, 36-79-62, 39-41-24, 39-85-46.

«Нетафим» компанияси Исроил Томчиллатив ва ёмғир усулдда сўғориш тизимларини ишлаб чиқарётган жаҳондаги етакчи компаниялардан. Энг такомиллашган ускуналар билан жиҳозланган ИССИҚЖОНАЛАР тавсия этади, мавжудларини такомиллаштиради ва янгиларини куради. ВУЛЛАР-ЮҚОРИ ҚОСИЛ ОЛИШҒА УЛ+ОЛДТИДИР. Мурожаат учун тел.: (3712) 33-92-40, 33-65-19, 36-24-01, 36-76-96

«Эйнаб» компанияси Исроил Қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва чорвачилик мажмуаларида замонавий технологияларни жорий этади. Техник ва профессионал жиҳатдан йўналтириб боради. Сутни, гўштни қайта ишлайдиган, қолбаса ва бошқа дуудланган маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган, мева қуритадиган, томат пастаси ва кетчуп, музқаймоқ ва шарбатлар ишлаб чиқарадиган муъжаз заводлар, муъжаз новвойхоналар ва тегирмонлар, қаддоқлаш материалларини тавсия этади. Мавжуд ва янгидан куриллаётган сутчилик ва бўрдоқчилик фермаларини такомиллаштиради, ускуналар етказиб беради ва янги технологияларни жорий этади. Тел.: 36-76-96, 36-24-01, 33-92-40.

«ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙўЛЛАРИ» Д. А. К. ПАССАЖИР ВАГОНЛАРНИ ТАЪМИРЛАШ ВА ХИЗМАТ КўРСАТИШ ДИРЕКЦИЯСИГА қуйидаги ихтисосликлар бўйича юқори малакадаги мутахассислар керак: ГАЗЭЛЕКТР-ПАЙВАНДЧИ; ЧИЛАНГАР-САНТЕХНИК.

ХАЛҚ СЎЗИ НАРОДНОЕ СЛОВО МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Беш муҳаррир: Анвар Жўрабоев. БўЛИМЛАР: Парламент 33-57-34; Хатлар 33-07-48; Мерос ва қадриятлар 36-29-89; Қишлоқ ҳўжалиги 36-07-94; Иқтисодийят 36-36-65; Маънавият 36-35-60; Туни муҳарририят 33-10-28; Эълонлар 36-09-25, Вахтер-33-10-60. • МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 19-уй. Навбатчи муҳаррир — А. Йўлдошев. Навбатчи — Ф. Сапанов.